



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUDYALAR OLIY KENGASHINING  
QARORI**

2025-yil 23-avgust

№ 2040

**Sudyalik lavozimlariga nomzodlarni qayta kasbiy tayyorlash kursiga  
qabul qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida**

O‘zbekiston Respublikasi Sudyalar oliy kengashi “O‘zbekiston Respublikasi Sudyalar oliy kengashi to‘g‘risida”gi Qonunning 7, 17-moddalari hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 21-avgustdagi PF-141-son Farmoniga muvofiq

**QAROR QILADI:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Odil sudlov akademiyasining kasbiy qayta tayyorlash kurslariga qabul qilish tartibi ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Ushbu qaror qabul qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Kengash raisi**


**X.Yodgorov**

Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгашининг

2025 йил “23” августдаги  
2040 -сонли қарори билан  
тасдиқланган.

“КЕЛИШИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси

  
Б.Исламов  
2025 йил “22” август

## Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш тартиби

### I боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартиб “Судлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар қайта тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-141-сонли Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг (кейинги ўринларда Академия деб юритилади) касбий қайта тайёрлаш курсларига (кейинги ўринларда Қайта тайёрлаш курси деб юритилади) қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Қайта тайёрлаш курсига қабул қилиш Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда белгиланадиган қабул квоталарига мувофиқ давлат грантлари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори 3-илоvasи 6-банди ижросини таъминлаш мақсадида ҳар бир ихтисослик йўналиши бўйича хотин-қизлар учун алоҳида квота белгиланади.

3. Қайта тайёрлаш курсига қабул тенг ҳуқуқлилиқ, очиқлик, шаффофлик принциплари ва адолатли танлов асосида амалга оширилиб, кириш синовларида юқори балл тўплаган талабгорларнинг қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади.

4. Қайта тайёрлаш курсига курс тамомланиши арафасида ўттиз беш ёшга тўладиган, олий юридик маълумотга эга бўлган ва юридик ихтисослик бўйича камида етти йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси қабул қилинади.

5. Лавозими бўйича мансаб даражаси ёки мартаба даражаси бериш назарда тутилган қуйидаги ходимларнинг меҳнат фаолияти юридик ихтисослик бўйича меҳнат стажи сифатида инобатга олинади:

судда судья ёрдамчиси, девонхона ва архив мудирлари, консультантлар, бошқарма ва бўлим бошлиқлари;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суриштирув органлари ва уларнинг муассасалари масъул ходимлари;

адвокатлар, давлат органлари, шунингдек ташкилотларнинг юридик хизмати ходимлари, нотариуслар ва уларнинг ёрдамчилари ҳамда ихтисослашган давлат олий таълим муассасаларининг ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари.

6. Талабгорнинг ихтисослиги бўйича иш стажи олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом берилган вақтдан, агар диплом хорижий давлатда берилган бўлса, у белгиланган тартибда тан олинган (нострификация қилинган) вақтдан кейинги ишлаган даври бўйича ҳисобга олинади.

7. Қуйидагилар Қайта тайёрлаш курсининг кириш синовларига қўйилмайди:

- жиноят содир этганликда айбланаётган;
- судланган ёки ўзига нисбатан жиноят иши реабилитация қилмайдиган асослар бўйича тугатилган;
- хорижий давлат фуқаролигига эга бўлган;
- суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб эътироф этилган;
- психиатрия ёки наркология муассасаларида ҳисобда турган;
- Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 9 ноябрдаги СОКҚ-374, 123-сон қарорига илова билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган Одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликлар ва жисмоний нуқсонлари бўлган;
- судьялик лавозимини эгаллашга монелик қиладиган бошқа ҳолатлар аниқланган шахслар.

8. Талабгорларни қабул қилиш қуйидаги суд ихтисосликлари бўйича амалга оширилади:

- фуқаролик;
- жиноий;
- иқтисодий;
- маъмурий.

9. Қабул комиссияси камида етти нафар аъзодан иборат таркибда шакллантирилади. Қабул комиссияси раиси, раис ўринбосари ва масъул котиби (кейинги ўринларда – масъул котиб деб аталади) Кенгаш раисининг буйруғи билан, Қабул комиссиясининг қолган аъзолари эса Қабул комиссияси раисининг буйруғи билан камида тўрт нафар аъзодан иборат таркибда тайинланади.

Қабул комиссиясининг ташкилий ишлари масъул котиб томонидан амалга оширилади.

## **II боб. Ҳужжатларни қабул қилиш тартиби**

10. Қабул комиссияси Қайта тайёрлаш курсига қабул қилиш муддатлари, ихтисосликлар номлари ва ажратилган ўринлар ҳақидаги ахборотни Кенгаш, Олий суд, Академиянинг веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқдаги каналларида ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида белгиланган тартибда эълон қилади.

11. Қайта тайёрлаш курсига киришда талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

– Қайта тайёрлаш курси ихтисослиги йўналишини ҳамда тест топширадиган хорижий тилни кўрсатган ҳолда Академия ректори номига ариза;

- шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки ID шахс гувоҳномаси) нусхаси;

– маълумотнома-объективка (ёзма ва электрон шаклда);

– таянч олий юридик маълумот тўғрисидаги бакалавр дипломи (таълим йўналиши: юриспруденция; таълим шифри: 5240100 ёки 5380100) ва иловасининг асли ва нусхаси ёки ташкилотнинг кадрлар бўлимида тасдиқланган нусхалари, агар диплом тан олинган (нострификация қилинган) бўлса, бу ҳақдаги ҳужжат нусхаси (бунда дипломнинг асли нусхаси билан солиштирилиб, эгасига қайтарилади);

– меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган ёки ташкилотнинг кадрлар бўлимида тасдиқланган нусхаси ёки [my.gov.uz](http://my.gov.uz) интерактив хизматлари орқали олинган ва махсус код (QR-код) мавжуд бўлган электрон нусхаси;

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 17 январдаги 16-сонли буйруғи билан тасдиқланган шаклдаги одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликлар ва жисмоний нуқсонлар йўқлиги ҳақидаги тиббий маълумотнома (086/1 шакл).

Тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги, тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун талабгор шахсан жавобгар ҳисобланади.

**12.** Ариза ва ҳужжатлар вилоят ва унга тенглаштирилган судлар судьялари малака ҳайъатлари ёки бевосита Қабул комиссиясига ёзма шаклда тақдим этилиши мумкин.

**13.** Тартибнинг 11-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ёки Тартиб талабига жавоб бермайдиган ҳолда расмийлаштирилган тақдирда ҳужжатларни қабул қилиш рад этилади.

**14.** Қабул комиссияси томонидан талабгорлар тўғрисидаги маълумотлар электрон тарзда мунтазам равишда Кенгашга тақдим қилиб борилади.

**15.** Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар судьялари малака ҳайъатлари Қабул комиссиясига талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилишда кўмаклашади.

### **III боб. Кириш синовлари**

**16.** Кенгаш томонидан тегишли тартибда ўрганилган ва ўрганиш натижалари ижобий деб баҳоланган номзодлар кириш синовларида иштирок этиши мумкин.

**17.** Кириш синовлари тўрт босқичдан, яъни психологик, чет тиллари (инглиз, француз ва немис тили) ва суд ихтисослигидан тест синовларидан ўтказиш ҳамда Судьялар олий кенгаши томонидан ташкил этиладиган идоралараро комиссия томонидан ўтказиладиган ёзма имтиҳон ва яқка тартибдаги суҳбатдан иборат.

**18.** Психологик тест Кенгашнинг “Психологик тест” ахборот тизимида ташкил этилиб, натижаси психолог мутахассис томонидан баҳоланади. Психологик тест талабгорнинг шахси кўрсатилмаган ҳолда текширилади.

Психологик тестни ўтказиш тартиби Кенгашнинг 2021 йил 6 майдаги 1543-сонли қарори билан тасдиқланган “Судьялик лавозимларига номзодлар ва судьяларнинг касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи психологик тест тизими тўғрисида”ги Тартиб билан тартибга солинади.

Психологик ҳолати қониқарсиз деб топилган ёки психологик тестдан ўтишдан бош тортган талабгорлар кириш синовларидан ўтмаган деб ҳисобланади.

**19.** Ихтисослик фани юзасидан тест синовлари саволлари ҳуқуқ соҳалари (фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий йўналишлар) бўйича тузилади.

Тузиладиган саволларнинг сифати, мазмуни ҳамда уларнинг бошқаларга ошкор этилмаслиги бўйича масъулият Суд инспекцияси, Қабул комиссияси раиси ва аъзоларига юкланади.

**20.** Ҳуқуқий мавзудаги иншо мавзулари олдиндан Қабул комиссияси томонидан Кенгаш ва Академиянинг веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқдаги каналларида эълон қилинади.

Камида 50 (эллик) тадан иборат мавзулар ичидан талабгорлар иштирокида танланган 3 (уч)та мавзу бўйича иншо ёзилади. Ҳар бир мавзу бўйича иншо 10 (ўн) баллгача баҳоланади.

Бунда ҳар бир иншо мавзуси бўйича режа тузилганлиги, мавзу мантиқий кетма-кетликда ҳуқуқий мазмунда ёзилганлиги, статистик маълумотлардан фойдаланилганлиги, мавзуга оид суд-ҳуқуқ ислохотларининг мазмун-моҳияти очиб берилганлиги, қонунчиликдан тўғри ва максимал фойдаланилганлиги, амалдаги муаммолар мазмуни ва уларни ҳал этишга қаратилган ечимларнинг мавжудлиги ҳамда талабгорнинг хулосаси бўлиши талаб этилади.

Талабгор иншо ёзишда грамматик, имловий, орфографик ва стилистик хатоларга йўл қўйганлиги ҳам иншони баҳолашда эътиборга олинади.

Кузатувчилар иншо ёзиш учун мўлжалланган қатъий ҳисобда турувчи, ички варақлари муҳрланган ва рақамланган дафтарларни тартиб билан тарқатади.

Бунда дафтарларнинг варақлари алмаштириш имконини истисно қиладиган тарзда Қабул комиссияси муҳри ва комиссия раисининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Талабгорлар дафтар муқовасида ўз фамилияси, исми, отасининг исмини кўрсатиши, дафтар варақларини букламаслиги, фарқ қилувчи белгилар қўймаслиги, ёзувлар тагига чизмаслиги, дафтарнинг ички қисмига ўз фамилияси, исми, отасининг исмини ёзмаслиги, кўк ҳаворанг сиёҳли ручкадан фойдаланиши лозим.

Синов яқунлангач, Қабул комиссияси дафтарларни кузатувчилар иштирокида қабул қилиб, муқовасини ажратади. Дафтарларнинг муқоваси ва биринчи варағига махсус шифрлар қўйилиб, алоҳида қутиларга жойланади ва муҳрланади.

Иншолар Кенгаш томонидан Конституциявий суд, Олий суд, Кенгаш ва қўйи судлар судьялари, Академия ҳамда олий юридик таълим муассасалари ўқитувчиларидан иборат идоралараро комиссияга топширилади.

Идоралараро комиссия дафтарлар солинган қутиларни Қабул комиссиясидан қабул қилиб, барча аъзолар иштирокида очади.

Юқорида кўрсатилган иншо дафтарини расмийлаштириш ва топширишга оид талабларга риоя қилинмаганлиги аниқланган ҳолатларда тегишли далолатнома тузилади ва талабгорга балл қўйилмайди.

Иншо натижалари тегишли шифрлар билан алоҳида қайдномага киритилади.

Дафтарлар ва иншо натижалари қайдномаси қутиларга солинади ҳамда идоралараро комиссия томонидан Қабул комиссиясига топширилади.

**21.** Суҳбат ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, Конституциявий суд, Олий суд, Кенгаш ва қуйи судлар судьялари, Академия ва юридик олий таълим муассасалари ҳамда жамоатчилик вакиллари, фахрий судьялардан иборат таркибдаги идоралараро комиссия томонидан амалга оширилади. Комиссия таркиби Кенгаш қарори асосида шакллантирилади. Комиссия аъзоларининг учдан икки қисми ҳозир бўлганда у ваколатли ҳисобланади.

Суҳбат талабгорнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятидан, юриспруденцияга оид таълимотлар ва қоидалардан ҳамда ихтисосликка оид қонунчиликдан хабардорлигини, шунингдек унинг маънавий-маърифий дунёқараши доирасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Суҳбат натижаси ҳар бир комиссия аъзоси томонидан баҳоланади ҳамда комиссия аъзоларининг сонига бўлинган ҳолда унинг ўртача балли ҳисоблаб чиқилади.

Суҳбат натижалари алоҳида қайдномага киритилиб, комиссия аъзолари томонидан имзоланган ҳолда Қабул комиссиясига топширилади.

**22.** Кириш синовларини ўтказиш куни ва жойи Қабул комиссияси томонидан белгиланади ва оқилна муддатларда талабгорларга маълум қилинади.

**23.** Ихтисослик фанидан тест синовлари давлат тилида ўтказилади. Ҳуқуқий мавзудаги иншо ва суҳбат ўзбек ҳамда қорақалпоқ тилларида ёзилиши ва ўтказилиши мумкин.

**24.** Кириш синовлари натижалари қуйидагича баҳоланади:

– ихтисослик фани бўйича тест **39 балл** (30 та тест саволи бўйича 1,3 баллдан);

– хорижий тил бўйича тест **12 балл** (30 та тест саволи бўйича 0,4 баллдан);

– ҳуқуқий мавзуда иншо **30 балл** (3 та мавзу бўйича 10 баллдан);

– оғзаки суҳбат **19 балл**.

#### **IV боб. Кириш синовларини ўтказиш тартиби**

**25.** Кириш синовларини ушбу Тартибга қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш вазифаси Қабул комиссиясига юкланади.

Кириш синовларини ўтказиш учун ҳар бир ихтисослик бўйича алоҳида комиссиялар ташкил этилади.

**26.** Кириш синовларини ўтказиш жадвали Қабул комиссиясининг қарори билан тасдиқланади. Қарорга кириш синовларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган талабгорлар рўйхати илова қилинади.

**27.** Ихтисослик фани бўйича тест саволларига оид йўналтирувчи мавзулар рўйхати, қоида тариқасида, кириш синовлари бошланишидан бир ой олдин Кенгаш ва Академиянинг веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқдаги каналларига жойлаштирилади.

**28.** Кириш синовлари ўтказиш жараёни видеотасвирга олинади. Видеотасвирдан нусха кўчириш тақиқланади.

**29.** Кириш синовлари ўтказиладиган бино қабулга доир ҳужжатларни сақлаш учун сейфлар билан махсус жиҳозланади.

Кириш синовлари ўтказиладиган бино ва аудиторияларда уларни ўтказиш учун санитария, меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ жавоб берадиган зарур техник, тиббий ва маиший шароитлар яратилиши керак.

**30.** Қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланган комиссия аъзолари ва Академиянинг бошқа ходимлари аудиторияларга масъул (аудитория кузатувчиси) сифатида жалб қилинади.

Кириш синовларини очиқ ва шаффоф ўтказиш мақсадида Қабул комиссиясининг қарорига асосан бошқа идоралар ва жамоатчилик вакиллари аудитория кузатувчилари сифатида жалб қилиниши мумкин.

**31.** Талабгорга қуйидаги ҳолларда кириш синовларида иштирок этишига рухсат берилмайди:

синовга белгиланган вақтдан кеч қолган тақдирда;

синовга алкоголь, гиёвандлик ёки психотроп модда таъсирида келган ҳолларда;

Тартибнинг 34-бандида кўрсатилган кириш синовлари ўтказиладиган жойга олиб кириш тақиқланган ашёларни олиб киришга уринган ҳолларда;

тақиқланган ашёларни олиб киришни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган текширувдан ўтишдан бўйин товлаганда.

**32.** Талабгорлар кириш синовлари топшириш учун белгиланган вақт ва жойга ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки ID шахс гувоҳномаси) билан келиши лозим. Синовда қатнашмаган талабгорлар учун қўшимча синов ўтказилмайди.

**33.** Кириш синовларини топшириш учун талабгорлар гуруҳларга бўлиниши мумкин.

**34.** Кириш синовлари ўтказиладиган жойга қоғоз ёки электрон манбадаги ўқув адабиёти, луғат, маълумотнома, жадвал, конспект, ёзув дафтарлари, қоғоз ёки электрон шаклдаги шпаргалкалар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, алоқа воситалари, аудио, фото ва видео ёзиш қурилмалари, қўл соати, хорижий валюта, пластик карта олиб кириш ҳамда улардан фойдаланиши, шунингдек синов жараёнида талабгорларнинг тест саволлари ёки бошқа масалалар юзасидан ўзаро суҳбатлашиши тақиқланади.

**35.** Талабгорларнинг кириш синовлари давомида аудиториядан чиқиши тақиқланади. Соғлиғининг ёмонлашиши ва бошқа зарур ҳолатларда синов материалларини қолдириб, кузатув остида аудиториядан чиқишга рухсат берилади.

**36.** Кириш синовларини ўтказишнинг белгиланган тартибини бузган талабгор синовдан четлаштирилади. Бунда аудитория кузатувчилари томонидан далолатнома расмийлаштирилган ҳолда талабгорнинг тест синовлари ва иншолари баҳоланмайди ҳамда улар синовда иштирок этмаган ҳисобланади.

**37.** Кириш синовлари бўйича талабгор томонидан шахсан берилган шикоятлар уларнинг натижалари Кенгаш ва Академиянинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқдаги каналларида эълон қилинган вақтдан эътиборан 24 соат давомида қабул қилинади.

Ихтисослик фани ва хорижий тил юзасидан тест синовлари натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига берилган шикоятлар белгиланган муддатларда Агентлик томонидан кўриб чиқилади.

Иншо, суҳбат ва психологик тест натижалари бўйича Академияга берилган шикоятлар Кенгаш қарори билан тузиладиган Апелляция комиссияси (бундан буён матнда Апелляция комиссияси деб юритилади) томонидан уч иш кунида кўриб чиқилади.

Талабгордан бошқа шахслар томонидан ёки белгиланган муддатдан кейин берилган шикоятлар кўриб чиқилмайди.

**38.** Синов бўйича апелляция куни ва вақти ҳақида Академия расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқдаги каналида эълон берилади ёки шикоят йўллаган талабгор хабардор қилинади.

**39.** Зарур ҳолларда, апелляция шикоятини кўриб чиқиш жараёнига имтиҳон комиссияси аъзолари, аудитория кузатувчилари ва бошқа шахслар жалб қилиниши мумкин.

**40.** Шикоятни кўриб чиқиш натижасида Апелляция комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

кириш синов натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва шикоятни қаноатлантиришни рад этиш;

талабгорнинг шикоятини қаноатлантириш.

Талабгорнинг шикояти қаноатлантирилган тақдирда Апелляция комиссияси талабгорнинг синов ишига узил-кесил балл қўяди ва қабул қилинган якуний қарор ҳақида унга хабар беради.

## **V боб. Ўқишга қабул қилиш тартиби**

**41.** Қабул комиссияси талабгорнинг кириш синовлари натижасида тўплаган балларини қўшиб ҳисоблаган ҳолда энг юқори балл тўплаган талабгордан бошлаб камайиш тартибида қабул квотасида белгиланган сонгача Қайта тайёрлаш курсига қабул қилинган тингловчилар рўйхатини шакллантиради.

**42.** Қайта тайёрлаш курсига қабул қилинган талабгорларнинг синов ишлари уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдларига тикиб қўйилади.

**43.** Ўқишга қабул қилинмаганларнинг синов ишлари архивда 6 (олти) ой давомида сақланади, сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

**44.** Кириш синовларини қайта топширишга йўл қўйилмайди.

**45.** Умумий қайднома асосида Қабул комиссияси томонидан талабгорларни Қайта тайёрлаш курсига қабул қилишга тавсия этиш тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, Қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

**46.** Академия ректорининг Қабул комиссияси баённомасига асосан талабгорларни Қайта тайёрлаш курси тингловчилари сафига қабул қилиш ҳақидаги буйруғи чиқарилади ва бу ҳақидаги маълумот дарҳол Академиянинг веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги каналида жойлаштирилади.

## **VI боб. Яқунловчи қоида**

**47.** Мазкур Тартибда белгиланган масалалар бўйича низолар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.